

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ F₁ ЎСИМЛИКЛАРИДА 1000 ДОНА ЧИГИТ ВАЗНИ БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Н. А. Нариманов,

Б. К. Мадартов,

Ф. Р. Абдиев

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали

Ўзани асосий хўжалик кўрсаткичларидан бири 1000 дона чигит вазни муҳим бўлиб, бу белгининг ирсийланишини ўрганиш керак бўлади. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўртача вазни чигитларга эга тизмалар, майда чигитли тизмалар билан чатиштирилганда, белгининг юқори кўрсаткич тўлиқсиз доминантлик ҳолда ирсийланишини кўрсатди. Дурагайлаш натижасида олинган F₁ ўсимликларида, битта кўсакдаги пахта вазнининг ижобий гетерозис ва оралик ҳолда ирсийланишини ҳамда кўш ва мураккаб дурагайларда оралик ҳолатда ирсийланишини, шунингдек, 1000 дона чигит вазни бўйича ҳам F₁ авлодида гетерозис ҳолати ва кейинги авлодларида кучли ўзгарувчанлик қайд этилганлигини ва бунинг натижасида трансгрессив рекомбинантлар ажратиб олинганлиги таъкидлаган [1; 4].

Ш.Саманов ва бошқалар [2] ингичка толали ғўза турига мансуб нав ва тизмаларни дурагайлаш асосида олинган F₁ ўсимликларда хўжалик белгилари таҳлил қилинган. Битта кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни белгилари бўйича ижобий гетерозис, ижобий ва салбий оралик ва ўта доминант ҳолатида ирсийланиш аниқланган.

G. barbadense L. турига мансуб юқори авлод беккросс дурагай авлодларидан кўсаклари 3 чанокли, 4 чанокли, 5 чанокли 50 та намуналар алоҳида-алоҳида териб олинган ва уларда айрим хўжалик белгиларни коррелятив боғлиқлиги таҳлил қилинган. Битта лўппакдаги чигитлар сони билан 1000 дона чигит вазни ўртасида кучсиз ва ўрта салбий корреляцион боғлиқлик кузатишган. Шундай хулосага келиш мумкинки, битта лўппакда чигитлар сони қанча кўп бўлса, 1000 дона чигитнинг вазни шунча паст бўлишини аниқлашган [3].

Тажриба маълумотлари бўйича бошланғич манбаларда 1000 дона чигит вазни белгиси турлича бўлиб, Т-2006 тизмасида кўрсаткич юқори, яъни ушбу



кўрсаткич йирик 146,0 грамм ни ташкил этган бўлса, Илотон навида эса чигит майдароқ бўлиб 104,0 граммга тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал Бошланғич манбалар ва F₁ ўсимликларида 1000 дона чигит вазни белгисининг ирсийланиши

№	Бошланғич шакллар ва F ₁ авлод комбинациялари	1000 дона чигит вазни, грамм			
		$\bar{x} \pm S\bar{x}$	Limit	V %	hp
Бошланғич шакллар					
1	Термиз-31	123,6±0,68	120-126	1,75	-
2	Сурхон-14	119,3±0,56	117-123	1,48	-
3	Сурхон-18	108,0±0,47	106-111	1,38	-
4	Илотон-14	104,0±0,52	101-106	1,57	-
5	Ангор	141,4±0,56	138-143	1,25	-
6	T-1985	143,7±0,80	140-147	1,76	-
7	T-2017	139,8±0,86	137-145	1,95	-
8	T-2017-2	134,1±0,77	131-137	1,81	-
9	T-2006	146,0±0,83	142-149	1,80	-
F₁-ўсимликлари					
1	T-1985 x Сурхон-14	126,0±0,72	122-128	1,79	-0,45
2	Сурхон-14 x Ангор	105,4±0,96	102-110	2,87	-2,2
3	Сурхон-14 x Илотон	120,8±0,89	116-124	2,32	1,1
4	Термиз-31 x Ангор	108,5±0,73	103-112	2,13	-2,6
5	Ангор x Сурхон-14	130,0±0,88	125-134	2,15	-0,03
6	T-2017-2 x Илотон	127,0±0,68	125-131	1,70	0,5
7	T-2017 x Сурхон -14	124,0±0,78	120-127	1,98	-0,5
8	Сурхон-18 x Илотон	109,0±0,62	106-113	1,78	1,5
9	Ангор x Илотон	134,4±0,65	131-137	2,0	0,6
10	T-2017 x Илотон	110,0±0,91	107-116	2,61	-0,6
11	T-2017-2 x Сурхон -14	128,0±0,82	125-134	2,02	0,1
12	Ангор x Сурхон-18	131,2±0,76	128-135	1,82	0,07
13	T-2006 x Илотон	129,0±0,82	125-133	2,0	0,1
14	Сурхон-14 x T-1985	118,0±0,82	115-123	2,19	-1,1

F₁ ўсимликларида 1000 дона чигит вазни белгисини ирсийланиши таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, F₁-ўсимликларининг 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича ўртача кўрсаткичлар намоён бўлди. Дурагай комбинацияларда 1000 дона чигит вазни белгиси 105,4-134,4 граммни ташкил этди. Ўзгарувчанлик амплитудаси турлича бўлиб, вариация коэффиценти



шунга мос равишда 1,70-2,87 % ни ташкил этди. Жумладан, F₁ Ангор х Илотон дурагай комбинациясида 1000 дона чигит вазни белгиси бошқа комбинацияларга нисбатан чигитлари йирик, 134,4 грамм, вариация коэффиценти эса 2,0 % аниқланган бўлса, ушбу белги бўйича ижобий оралик ҳолатда ирсийланиши ($h_p=0,6$), чигити бироз майда дурагай F₁ Сурхон-14 х Ангор комбинациясида 105,4 грамм, вариация коэффиценти 2,87 % ва ушбу белгининг салбий ўта доминант ($h_p=-2,2$) ҳолатда ирсийланиш кузатилди. Бошқа комбинацияларда 1000 дона чигит вазни белгиси салбий оралик, ўта доминант ва ижобий оралик ҳолатда ирсийланиш аниқланди (1-жадвал). Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ингичка толали йирик кўсақли тизма ва навларни ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₁ ўсимликларида 1000 дона чигит вазни кўрсаткичлари дурагайлашда иштирок этган бошланғич манбаларнинг генотипига боғлиқ равишда ирсийланиши аниқланди. 1000 дона чигит вазни юқори бўлган трансгрессив шакллар олиш учун кейинги авлод дурагайларида тадқиқот ишларини давом эттириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Симонгулян Н.Г., Мухамедханов С., Шафрин А. Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника.// Ташкент. 1987.- С. 150-156.
2. Саманов Ш., Аманов Б., Ризаева С., Гаппаров Б., Самадов И. Ғўзанинг ингичка толали навларини йирик кўсақли тизмалар билан дурагайлаш асосида олинган F₁ ўсимликларда қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши// Агро Илм.-Тошкент, 2019. № 6 [63]. -Б. 27-28.
3. Усманов С.А., Хударганов К.О., Абдиев Ф.Р. Изменчивость хозяйственно-ценных признаков и типа цветка у гибридов хлопчатника F₂-F₃*G.barbadense* L.// Журнал Мичуринский агрономический Вестник. Мичуринск-Наукоград. - Россия. 2014. - №2. - С.28-144.
4. *Abdiev F.R., Usmanov S.A.* Using genetic statistical methods in creation of cotton plant varieties in Uzbekistan.// International Journal of Science and Research (IJSR)ISSN (Online).- India.- 2017.-№11.- P. 56-58.

